



МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Исломов Жамшед

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0005-5324-8629
jmd.islomov@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) концепциясининг назарий асослари ва уларнинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни таҳлил қилинган. Жаҳон амалиётидаги МИЗ моделлари: эркин савдо ҳудудлари, саноат парклари, технологик кластерлар ҳамда инновацион зоналарнинг ривожланиш хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, МИЗнинг ижобий таъсирлари ҳамда салбий хавфлари чуқур муҳокама қилинган. Олинган натижалар МИЗларни миллий саноат сиёсати ва барқарор ривожланиш стратегиялари билан уйғунлаштириш зарурлигини асослаб берди.

Калит сўзлар: махсус иқтисодий зоналар, эндоген ўсиш назарияси, инвестиция муҳити, кластер эффекти, институцион муҳит, барқарор ривожланиш, ташқи савдо, технологиялар трансфери, ҳудудий ривожланиш, анклав эффекти.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН

Исламов Джамшед

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при
Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье проанализированы теоретические основы концепции специальных экономических зон (СЭЗ) и их роль в экономическом развитии. Рассмотрены мировые модели СЭЗ: свободные торговые зоны, промышленные парки, технологические кластеры и инновационные зоны, а также особенности их развития. Кроме того, подробно обсуждены положительные эффекты и потенциальные риски СЭЗ. Полученные результаты обосновывают необходимость интеграции СЭЗ с национальной промышленной политикой и стратегиями устойчивого развития.

Ключевые слова: специальные экономические зоны, теория эндогенного роста, инвестиционный климат, кластерный эффект, институциональная среда, устойчивое развитие, внешняя торговля, трансфер технологий, региональное развитие, эффект анклава.

Islamov Jamshed*Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics*

Abstract. *This article analyzes the theoretical foundations of the Special Economic Zones (SEZ) concept and their role in economic development. It examines global SEZ models, including free trade zones, industrial parks, technology clusters, and innovation zones, highlighting their development features. Additionally, the positive impacts and potential risks of SEZs are thoroughly discussed. The findings substantiate the need to align SEZs with national industrial policy and sustainable development strategies.*

Keywords: *special economic zones, endogenous growth theory, investment climate, cluster effect, institutional environment, sustainable development, foreign trade, technology transfer, regional development, enclave effect.*

Кириш.

Ҳозирги глобллашув шароитида давлатлар иқтисодий ривожланиш стратегияларини белгилашда янги инструментлардан фойдаланмоқда. Айниқса, ташқи инвестицияларни жалб қилиш ва ҳудудий тафовутларни камайтириш воситалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) концепцияси сўнгги ўн йилликларда ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан муҳим тадқиқот йўналиши сифатида шаклланди (Wong, 2020).

МИЗлар – бу ҳудудий жиҳатдан чегараланган махсус зоналар бўлиб, уларда солиқ, божхона, регулятор ва инфратузилма масалаларида енгиллаштирилган, имтиёзли режимлар жорий этилади. UNCTAD (2019) маълумотларига кўра, МИЗлар орқали давлатлар қуйидаги мақсадларга эришиши мумкин: тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспортга йўналтирилган саноатни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ҳудудлараро номутаносибликларни камайтириш.

Тарихий жиҳатдан, махсус иқтисодий зоналар концепцияси XX асрда шакллана бошлади. Жаҳон тажрибасида Жанубий Корея, Тайван ва Хитойдаги МИЗлар кўпинча муваффақиятли намуна сифатида тилга олинади (Farole & Akinci, 2011). Шу билан бирга, UNCTADнинг (2019) ҳисоботида МИЗларнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти ҳамда барқарор ривожланиш жараёнларидаги ўрни атрофлича таҳлил қилинган.

Назарий жиҳатдан, МИЗлар турли иқтисодий назариялар асосида изоҳланади. Масалан, эндоген ўсиш модели (Romer, 1990) инновация ва билимга таянган ривожланишда МИЗларни технология ва билим тарқатишнинг самарали механизми сифатида кўради. Шунингдек, Дани Родрик ва бошқа олимлар (2004) томонидан ривожланган “давлат роли назариялари”да МИЗлар танланган ҳудудларда институционал ислохотларни амалга ошириш ва рақобатбардош муҳитни шакллантиришда муҳим восита сифатида баҳоланади.

Ўзбекистонда ва кўплаб ривожланаётган мамлакатларда ҳудудий иқтисодий номутаносибликлар, ишсизлик даражаси ва саноатнинг етарлича диверсификация қилинмаганлиги барқарор ривожланишга жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. Шу сабабли, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ҳудудий иқтисодий сиёсатни такомиллаштиришда махсус иқтисодий зоналар самарали инструмент сифатида аҳамиятга эга. Бугунги кунда глобал иқтисодий рақобат шароитида махсус иқтисодий зоналар концепциясини назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва уни миллий шарт-шароитларга мослаштириш ҳудудий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Илмий адабиётларда МИЗларнинг самарадорлиги масаласи юзасидан турли қарашлар мавжуд. Айрим тадқиқотларда МИЗлар таъсирининг чекланганлиги, қўшни ҳудудларга тарқалувчи таъсирларнинг заифлиги, солиқ имтиёзлари натижасида давлат бюджети учун йўқотишлар ҳамда ижтимоий ва экологик муаммолар юзага келиши мумкинлиги таъкидланади.

Шу билан бирга, замонавий иқтисодий адабиётларда МИЗлар фаолияти қуйидаги соҳаларда назарий ва амалий ёндошувлар билан таҳлил қилинади, хусусан, махсус иқтисодий зоналар иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи муҳим инструмент бўлиб, солиқ, божхона ва валюта имтиёзлари орқали инвестицияларни жалб қилиш ва ривожланишни таъминлайди. Шу билан бирга, МИЗлар ташқи савдо ва инвестиция муносабатларини фаоллаштиради (Velichko & Ivanova, 2024). 2018 йилга келиб, 147 та мамлакатда 5,400 дан ортиқ МИЗлар ташкил этилган бўлиб, улар асосан ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган. Осиё минтақасида дунёдаги МИЗларнинг тахминан 75% жойлашган (Bocharova et al., 2022).

МИЗлар одатда турли моделларга асосланган: экспортга йўналтирилган зоналар, технологияга ихтисослашганлар, логистика ва инновацион марказлар. Лекин қонуний тартибга солиш муаммолари, инфратузилманинг етишмовчилиги ва инвестицияларни жалб қилишдаги чекловлар уларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади (Petrunenکو, 2022).

МИЗлар янги иш ўринлари яратиш, янги тармоқларни ривожлантириш ва валюта тушумларини оширишда муҳим роль ўйнайди. Улар экспортни кенгайтириш ва технологиялар трансферига туртки бўлади (Sokolova & Butko, 2024; Rastogi, 2020).

Самарали МИЗ фаолияти учун транспорт йўллари, логистика марказлари ва қулай инфратузилма ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, транспорт ва логистика режимларининг МИЗ самарадорлигига таъсирига оид назарий моделлар таклиф қилинмоқда (Valim et al., 2024).

Янги авлод МИЗлар «ақлли шаҳарлар», экологик саноат боғлари ва инновацион кластерлар функцияларини ўз ичига олади. Улар миллий ва халқаро барқарор ривожланиш мақсадлари билан мувофиқлаштирилиши зарур (Panina, 2024; Zhan et al., 2020).

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, самарали МИЗлар яратиш учун стратегик жойлашув, барқарор қонуний база ва хусусий сектор билан самарали ҳамкорлик асосий омиллар ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) назарий жиҳатдан “чегараланган ҳудуд + махсус режим” концепциясига таянади. Бу концепция асосида солиқ, божхона, ердан фойдаланиш, меҳнат ва атроф-муҳит стандартларидаги енгиллаштиришлар орқали инвестициявий муҳит яхшиланади, тармоқлараро кооперация кучаяди ва кластер эффектлари уйғотилади. МИЗлар, шу тарзда, маҳаллий ва халқаро сармоядорлар учун қулай муҳит яратиш орқали иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришда муҳим инструмент ҳисобланади.

Замонавий адабиётларда МИЗлар турли типларга ажратилади: эркин савдо зоналари (Free Trade Zones), экспортни қайта ишлаш зоналари (Export Processing Zones), саноат парклари (Industrial Parks), технологик ва инновацион парклар (Technology and Innovation Parks) ҳамда комплекс махсус иқтисодий зоналар (Special Economic Zones). Ушбу тасниф ва унга боғлиқ ҳуқуқий ва институционал ўлчовлар Жаҳон савдо ва ривожланиш конференцияси (United Nations Conference on Trade and Development, UNCTAD) томонидан 2019 йилда батафсил тизимлаштирилган (UNCTAD, 2019).

Эндоген ўсиш назарияси нуқтаи назаридан, МИЗлар “билим ва технология тарқатувчи механизм” сифатида қаралади. Улардаги корхоналар зичлиги ахборот оқимларини тезлаштиради, малака капиталини оширади ва ташқи самараларни кучайтиради. Бу жараён маҳаллий корхоналарнинг инновация ва самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек, классик ва неоклассик иқтисодий ёндашувларда МИЗлар транзакцион (маъмурий) харажатларни камайтириш, савдо ва логистикада қувват яратиш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция оқимларини жалб қилиш орқали самарадорликни ошириш механизми сифатида қаралади. Аммо ушбу самарадорлик даражаси кўп жиҳатдан миллий институционал сифат ва қонуний муҳит билан боғлиқ бўлиб, давлатнинг мустақкам ҳуқуқий ва тартибга солувчи базаси мавжуд бўлиши зарур (Farole & Akinci, 2011; World Bank, 2020).

Бутунжаҳон банки (World Bank) махсус иқтисодий зоналар дастурларининг операцион таҳлилларида уларнинг самарадорлигини аниқлашда учта асосий муваффақият омилини қайд этади (1-расм):

Аниқ мақсад ва тузилма мувофиқлиги

зона мақсадлари экспортни ривожлантириш, импортни алмаштириш, глобал қиймат занжирлари интеграцияси ва бошқа иқтисодий вазифалар билан уйғун бўлиши лозим.

Қонуний ва институционал барқарорлик

МИЗлар самарали фаолият кўрсатиши учун давлатнинг ҳуқуқий ва тартибга солувчи базаси мустақкам бўлиши зарур.

Инфратузилма ва логистика сифати

транспорт йўллари, коммуникациялар ва логистика марказлари сифати зона самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

1-расм. Махсус иқтисодий зоналар самарадорлигининг асосий омиллар

Манба: муаллиф ишланмаси.

Бутунжаҳон банки таҳлилларига кўра, ушбу омиллар мустақкам бўлган мамлакатларда МИЗлар барқарор иқтисодий натижалар берса, уларнинг бир ёки бир нечтаси заиф бўлса, зона “анклав”га айланиб, миллий иқтисодиёт билан заиф боғланади (World Bank, 2020).

Хитой мисоли МИЗ моделининг самарали ислоҳот ва экспорт драйвери сифатидаги ролини намоён этади. Шэньчжэнь ва бошқа МИЗлар саноат модернизацияси, технология трансфери ва иш ўринлари яратишда марказий роль ўйнаган. Шу билан бирга, Африкадаги кўплаб МИЗлар инфратузилма камчиликлари ва институционал заифлик сабабли кутилган натижаларга тўлиқ эриша олмаган (Zeng, 2015).

Жаҳон савдо ва ривожланиш конференцияси (United Nations Conference on Trade and Development, UNCTAD) МИЗлар бўйича глобал ҳолатни тақдим этади. Қайд этилишича, 2019 йилда 147 иқтисодиётда тахминан 5,400 зона қайд этилган ва яна юзлаб лойиҳалар ҳамон режалаштириш босқичида. МИЗлар саноат ва экспортни рағбатлантирувчи иқтисодий сиёсатнинг янги тўлқини сифатида, глобал қиймат занжирларида рақобат учун восита сифатида талқин қилинади. Бироқ UNCTAD ҳисоботида таъкидланишича, МИЗ сиёсати тизимли ислоҳотлар ўрнини босмаслиги, барқарорлик ва минтақавий интеграция билан уйғун бўлмаса, натижа қисқа муддатли бўлиб қолиш хавфи ҳам мавжуд (UNCTAD, 2019).

Маълумки, махсус иқтисодий зоналар давлат томонидан белгиланган ҳудудларда иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш мақсадида солиқ, божхона, ердан фойдаланиш, меҳнат ва атроф-муҳит стандартларида енгиллаштирилган махсус режимлар жорий этилган ҳудудлардир. МИЗлар орқали хорижий инвестициялар жалб қилинади, экспорт салоҳияти оширилади, технология ва менежмент тажрибаси кириб келади, иш ўринлари яратилади ва маҳаллий таъминот занжирлари ривожланади (UNCTAD, 2019; World Bank, 2020).

1-жадвал

МИЗнинг ижобий таъсирлари (Wong, Buba, 2019)

Таъсир номи	Мазмуни
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва экспорт ўсиши	МИЗлар сармоядорлар учун қулай ҳуқуқий ва молиявий муҳит яратади. Бу хорижий инвестициялар оқимини жалб қилиш ва маҳаллий экспорт ҳажмини оширишга ёрдам беради.
Технология ва менежмент тажрибаси кириб келиши	Хорижий корхоналар МИЗларда фаолият кўрсатганда, улар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга замонавий технологиялар, инновацион усуллар ва самарали бошқарув тажрибасини олиб келади. Бу маҳаллий корхоналарнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.
Иш ўринлари ва маҳаллий таъминот занжирлари ривож	МИЗларда янги корхоналар ташкил қилиниши маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари яратади. Шу билан бирга, маҳаллий таъминотчи корхоналар ҳам ривожланади, бу эса иқтисодий интеграцияни ва маҳаллий салоҳиятни оширади.
“Ислоҳот лабораторияси” роли	МИЗ ҳудудида синовдан ўтказилган соддалаштирилган қонун ва тартиблар, агар самарали бўлса, кейин умуммиллий қонунчиликка кенгайтирилиши мумкин. Бу механизм давлатнинг ислоҳотларини босқичма-босқич ва хавфсиз амалга ошириш имконини беради

Юқоридаги жадвал МИЗнинг асосий ижобий таъсирларини кўрсатади. Уларнинг асосий аҳамияти шундаки, МИЗлар фақат иқтисодий ўсишга тўртки бермайди, балки технология ва менежмент тажрибасини ҳам маҳаллий иқтисодиётга интеграция қилади, янги иш ўринлари яратади ва давлат ислоҳотларини синовдан ўтказиш имконини беради. Шу тарзда МИЗлар маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятни мустаҳкамлашда муҳим инструмент сифатида хизмат қилади.

2-жадвал

МИЗнинг салбий хавфлари ва чегаралари (Moberg, 2015)

Таъсир номи	Мазмуни
Бюджет ва иқтисодий хавфлар	Солиқ ва божхона имтиёзлари давлат бюджетида йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, давлатлар МИЗларнинг енгиллаштирилган режимларини таклиф қилишда рақобатга кирса, “рағбатлар пойгаси” пайдо бўлиши мумкин.
Меҳнат ва экологик стандартлар	Баъзи МИЗларда ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ва экологик стандартлар пасайтирилиши эҳтимоли бор. Бу ижтимоий ва атроф-муҳит муаммоларини юзага келтириши мумкин.
Ички иқтисодиёт билан интеграция чекловлари	МИЗлар миллий иқтисодиёт билан заиф боғланса, улар фақат изоляцияда ривожланиб, ички тармоқлар ва маҳаллий корхоналар билан интеграция чекланиши мумкин (“анклав эффекти”).
Институционал ва сиёсий хавфлар	МИЗларнинг самарадорлигини “мустаҳкам институтлар + жавобгарлик механизми”га боғлайди. Агар институтлар заиф бўлса, рағбатлар нотўғри сигналлар беради ва рента изловчи хулқ-атвор пайдо бўлиши мумкин.

Юқоридаги жадвал МИЗнинг салбий хавфларини очиб беради. Уларнинг асосий аҳамияти шундаки, фақат иқтисодий рағбатлар тақдим этиш билан МИЗлар узоқ муддатли ва барқарор самарага эришолмайди. Мустаҳкам институтлар, самарали регулятор механизм ва ички иқтисодиёт билан интеграция бу хавфларни юмшатишда муҳим рол ўйнайди.

Сўнгги тадқиқотлар МИЗларнинг функционалини глобал қиймат занжирлари (GVC) стратегияси, рақамли савдо, “яшил” саноат ва логистика ислохотлари билан уйғунлаштиришни таклиф этади. Ушбу янги йўналишлар қуйидагиларга қаратилмоқда:

- Худудий интеграцияни кучайтириш;
- Маҳаллий таъминот занжирлари ва кадрлар тайёрлашга эътибор;
- Регулятив шаффофлик ва очиқлик;
- Миллий ва минтақавий иқтисодий самарадорликни таъминлаш (Zeng, 2021).

Юқоридагиларга кўра, замонавий иқтисодиётда МИЗдан кутилган натижаларга эришиш учун тўрт устувор йўналиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга:

1. Мақсадга йўналтирилган тузилма. МИЗ мақсади ва сектор йўналишлари аниқ белгиланиб, уларнинг ижобий самарадорлигини баҳолаш учун ўлчовли индикаторлар ишлаб чиқиши зарур. Бу механизм зона фаолиятини аниқ мақсадлар билан уйғунлаштириш ва натижаларни мониторинг қилиш имконини беради.

2. Институцион қатлам. Ердан фойдаланиш, божхона ва солиқ тартибларини рақамли ва шаффоф тизимда интеграциялаш МИЗ самарадорлигини таъминлайди. Барқарор институтлар ва регулятор механизмлар МИЗларнинг узоқ муддатли ва иқтисодий самарадорлигини кафолатлайди.

3. Локал интеграция. Маҳаллий таъминот занжирлари, кадрлар тайёрлаш ва илм-фан инфратузилмасини МИЗ билан уйғунлаштириш орқали маҳаллий иқтисодиёт билан узвий алоқа яратилади. Бу “анклав эффекти”нинг олдини олиб, МИЗнинг миллий иқтисодиётга таъсирини кучайтиради.

4. Барқарорлик ва ҳисобдорлик. Экологик стандартлар, энергия самарадорлиги ва КРІга боғланган вақтинчалик рағбатлар орқали МИЗ сиёсатини миллий устуворликлар билан уйғунлаштириш муҳим. Бу механизм иқтисодий ўсиш, ижтимоий ва экологик барқарорликни бир вақтда таъминлайди.

МИЗларнинг самарали қўлланиши фақат қисқа муддатли имтиёз воситаси сифатида эмас, балки худудий саноат ривожини, институцион инновациялар ва миллий иқтисодиёт интегратори сифатида қаралса, самара беради. Шу йўл миллий барқарор ўсиш стратегияси билан уйғунлашади, худудлараро тенгликни таъминлайди ва глобал қиймат занжирларига чуқур интеграцияга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижалари МИЗларнинг самарадорлиги фақат имтиёзлар ҳажмига боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Асосий аҳамият МИЗларнинг мақсадга йўналтирилган тузилмаси, мустаҳкам институцион муҳити ва маҳаллий иқтисодиёт билан узвий интеграциясида эканлиги аниқланди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, МИЗлар хорижий инвестицияларни жалб қилиш, технологиялар трансфери ва худудий ривожланишни тезлаштиришда самарали инструмент бўлиши мумкин, аммо уларни миллий саноат сиёсати ва барқарор ривожланиш устуворликлари билан уйғунлаштириш шарт.

Шунингдек, илмий таҳлил МИЗларнинг келгуси ислохотлар учун синов майдони сифатидаги салоҳиятини ҳам тасдиқлади. Бу эса худудий иқтисодий тенгликни таъминлаш, инновацион ўсишни рағбатлантириш ва миллий иқтисодиётнинг глобал қиймат занжирларига интеграциясини кучайтиришда уларнинг аҳамиятини янада оширади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Akinci, Gokhan; Farole, Thomas. 2011. *Special Economic Zones: Progress, Emerging Challenges, and Future Directions*. Directions in Development; trade. © World Bank. <http://hdl.handle.net/10986/2341> License: CC BY 3.0 IGO.

Bocharova, Y., Chernega, O., Kozhuhova, T., & Ishchenko, O. (2022). *Special economic zones: state and features of the development in the world. trade and market of ukraine*. <https://doi.org/10.33274/2079-4762-2022-52-2-9-19>.

Douglas Zhihua Zeng (2015). *Global Experiences with Special Economic Zones* With a Focus on China and Africa. The World Bank. Trade and Competitiveness Global Practice. February.

MOBERG L. The political economy of special economic zones. *Journal of Institutional Economics*. 2015;11(1):167-190. doi:10.1017/S1744137414000241.

Panina, E. (2024). *Special economic zones – a space for the implementation of ideas to solve global problems. ekonomika i upravlenie: problemy, resheniya*. <https://doi.org/10.36871/ek.up.p.r.2024.09.04.018>.

Petrunencko, Y. (2022). *Creation of special (free) economic zones as the state stimulate development of some territories*. Uzhhorod National University Herald. Series: Law. <https://doi.org/10.24144/2307-3322.2022.73.23>.

Rastogi, S. (2020). *Impact of Special Economic Zone on the Socio-Economic Aspects of Employees.*, 31, 184-198.

Rodrik, D. (2004). *Industrial Policy for the Twenty-First Century*. CEPR Discussion Paper Series. <https://doi.org/10.2139/SSRN.617544>.

Romer, P. M. (1990). *Endogenous Technological Change*. *Journal of Political Economy*, 98(5, Part 2), S71–S102. JSTOR link (if available): <https://www.jstor.org/stable/2937632>.

Sokolova, E., & Butko, D. (2024). *Role of special economic zones in solving of regional problems*. *economic vector*. <https://doi.org/10.36807/2411-7269-2024-1-36-75-78>.

UNCTAD. *World Investment Report 2019 Special Economic Zones*. https://unctad.org/system/files/official-document/WIR2019_CH4.pdf.

United Nations publication issued by the United Nations Conference on Trade and Development. UNCTAD/WIR/2019 (Overview) https://unctad.org/system/files/official-document/wir2019_overview_en.pdf.

Valim, L., Frogeri, R., & Camarini, G. (2024). *Special economic zones and the influence of transport modes: proposal of a theoretical model appropriate to the brazilian reality*. *Perspectivas Contemporâneas*. <https://doi.org/10.54372/pc.2024.v19.3591>.

Velichko, E., & Ivanova, V. (2024). *Purposes and principles of creating special economic zones*. *Vestnik Universiteta*. <https://doi.org/10.26425/1816-4277-2024-5-103-115>.

Wong, Michael D.; Buba, Johanne. (2019) *Special economic zones: an operational review of their impacts* (English). Washington, D.C. World Bank Group. <http://documents.worldbank.org/curated/en/316931512640011812>.

Zeng, D.Z. (2015). *Global Experiences with Special Economic Zones: Focus on China and Africa*. Washington DC: World Bank (policy paper/brief).

Zhan, J., Casella, B., & Bolwijn, R. (2020). *Towards a New Generation of Special Economic Zones*. *The Oxford Handbook of Industrial Hubs and Economic Development*. <https://doi.org/10.1093/oxfordhb/9780198850434.013.26>.